




СУРАТДА: мажлис пайтида.

Р.Жуманиёзов олган сурат. (ЎзА).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

16 май кuni Тошкентда республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни Президент Ислам Каримов бошқарди. Мажлисда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Вазирлар Маҳкамаси тармоқлари, вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, уюшмалар, бирлашмалар, банклар ва йирик корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда республика-мизда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича 1995 йилнинг биринчи чораги дастурини амалга

ошириш ва биринчи ярим йилликни муваффақиятли якунлаш, товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти бўйича кўзда тутилган ҳажмларнинг бажарили-

шини таъминлаш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Ю. Пайгин, В. Чжен, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажаев, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Жуманиёзов ана шу масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Президент Ислам Каримов мажлисда нутқ сўзлади. Вазирлар Маҳкамаси мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди. Мажлисда Республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов қатнашди. (ЎзА).

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов «Иккиламчи ресурсларни тайёрлаш самардорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади. Бу ҳужжат корхона ва ташкилотларни қоғоз, картон, қадоқловчи бошқа материаллар билан таъминлаш-ни яхшилашга қаратилгандир.

Иккиламчи ресурсларни тушлаш муаммоси кеча пайдо бўлгани йўқ. Маълумки, Ўзбекистонда зарур хом ашё йўқлиги сабабли қоғоз маҳсулотларини етарли миқдорда ишлаб чиқариш имкониятлари чекланган. Иккиламчи ресурслардан самаралироқ фойдаланиш, уларни қайта ишлашни яхшилаш бу муаммони ҳал этишнинг асосий йўлларидан биридир. Жумладан, қайта ишланган 10 килограмм иккиламчи хом ашёдан 6 килограмм қоғоз олиш мумкин.

Мамлакатимиздаги икки корхона — «Ўзқоғоз» акциядорлик жамияти ва Ангрендаги «Саноатқартонсавдо» ана шундай технологияли линияларга эгадир. Бирок, уларда мулжалдаги миқдорда қоғоз маҳсулоти ишлаб чиқаришни таъминлаш учун ҳар йили камидан 25 минг тонна макулатура тушгани зарур.

— Пойтахт корхоналарини қоғоз, картон билан етарли таъминлашдек, бу жиддий, шу билан бир қаторда ҳал этилиши учун ҳамма имкониятлар

Шу куннинг мавзуида ҚОҒОЗНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

бўлган вазифани муваффақиятли бажариш мақсадида шаҳарда 45 та макулатура қабул қилди олиш шохбосчаси очилди, — дейди «Ўзбекмелбел» давлат акциядорлик жамияти маҳаллий ресурслардан фойдаланиш ва иккиламчи хом ашёни тайёрлаш бўйича бўлим бошлиғи А. С. Ҳакимов. — Уларнинг ҳаммаси эрталаб соат тўққиздан 17 гача ишлайдиган бўлади. Ҳозир бу шохбосчаларни Тошкентдаги 11 та туманининг ҳар биттасида керакли миқдорда бўлиши масаласи ҳал этиляпти. Макулатура тушлаш ва уни топширишдан аҳолининг манфаатдорлигини ошириш мақсадида ҳар бир шохбосчада топширилган иккиламчи хом ашёга ал-

маштириш учун аҳолига етти турдаги қўндалик зарур маҳсулотлар — жумладан совун, гургут, сигареталар, шампун ва бошқа турдаги маҳсулотлар тақлиф этилади. Бу масалага, аввалгидек, мактаб ўқувчилари айниқса фаоллик курсатишлариға катта

дафтарлар, бошқа ўқув қуроллари ҳам тақлиф этиш кўзда тутилган. Илгарилари тушланган макулатура ташиб кетиш жиддий муаммолардан бири ҳисобланарди. «Ўзбекмелбел» бу масалани ўз зиммасига олди. Қоғоз хом ашёси давлат акциядорлик жамиятига қарашли машиналарда ташиб кетиладиган бўлди.

Шаҳардаги қўлгина корхоналар ҳозир макулатурани қайта ишлайдиган корхоналар билан бевоқиф шартномалар тузганлар. Масалан, «Ўзқоғоз» билан Тошкент матбаа комбинати, «Шарк» концерни ва бошқалар уртасидаги шериклик алоқалари мустаҳкам. Бу ҳамкорлик ушбу корхоналар учун зарур бўлган қоғоз маҳсулотини макулатурага алмаштириш имконини бермоқда. Корхоналарни қоғоз маҳсулотлари билан таъминлаш кенг кулмаллигини ҳисобга олган ҳолда «Экосан» халқаро жамғармаси ҳам «Ўзбекмелбел» билан шартнома тўзди. «Экосан» макулатура тушлашга илоҳи борица қўпроқ ёшларни жалб этишни мулжаллаган. Ана шу мақсадда яқин вақт ичида «Менинг меҳнатимнинг мамлакатим меҳнати»га қўшилиди» шiori остида кенг кулмалли тадбир ўтказилиши режаланган.

Ойша МАҚСУДОВА.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

15 май кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япония Молия вазирлигининг молия ва пул сиёсати институти президенти Эйсуке Сакакибара бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва унинг дастлабки натижалари ҳақида сўзлаб берди. — Бизнинг бош мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантиришдир, — деди Ислам Каримов. — Шу боис ислохотлар босқич-ма-босқич амалга оширилмоқда. Бугун миллий валютамизни янада мустаҳкамлаш, молия-кредит сиёсатининг янги тизимини такомиллаштириш йўлидан бормоқдамиз. Ушбу соҳадаги ҳамкорлигимиз ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлади, деб улайман. Эйсуке Сакакибара Япония тадбиркорларининг Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган ислохотларга қизиқиши ортиб бораётганини таъкидлади. «Шу боис биз Тошкентда молия ва пул сиёсати бўйича семинар ўтказишдан ташқари, тегишли вазирлик ва муассасалар вакиллари билан учрашиб, Япония томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритиладиган сармоялар ҳажминини ошириш имкониятларини ўрганоқдамиз», деди у. Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Султонов ва ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси Р. Азимов иштирок этди. Қабул чоғида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Укери Магосаки ҳозир бўлди. (ЎзА).

16 май кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Словакия Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазирини Сергей Козлик бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Словакия уртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини таъкидлар экан, бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар талай эканини айтди. Словакия ҳукумати делегациясининг мазкур ташрифи шу маънода самарали бўлиши шубҳасиз, деди у.

Сергей Козлик Словакия ҳукумати Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқаларни, жумладан, савдо-иқтисодий, илмий-техник ва ўзаро сармоя сарфлаш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор бераётганини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари У. Султонов, ташқи ишлар вазирини А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Словакиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Роман Палдан ҳозир бўлди. Шу кuni Сергей Козлик бошчилигидаги Словакия ҳукумати делегацияси аъзолари Ўзбекистон Молия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигига ҳам ташриф буюрди. (ЎзА).

ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Покистон Ислам Республикаси Бош вазирини Беназир Бхутто 22-23 май кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

Президент Кубоги учун


ОГОРОДОВ — БИРИНЧИ БОСҚИЧ ГОЛИБИ



Утган шанба кuni пойтахтдаги «Динамо» теннис клуби кортларида профессионал теннисчилар уртасидаги «Буюк ипак йўли» сателлит халқаро теннис турнирининг биринчи босқичи низоҳасига етди. Турнирнинг иккинчи босқичи шу йилнинг 20 майгача Самарқанд шаҳри кортларида давом этади. Учинчи босқич мусобақалари эса Фарғона шаҳрининг «Истиклол» спорт майдонларида кечади. Ундан сўнг 28 майдан 3 июнгача пойтахтдаги «Юнусов» спорт-соғломлаштириш мажмуи теннис усталарини қабул қилади. Му-

собиқ халқаро турнирида 15 та хориж давлатларидан келган профессионал теннисчилар иштирок этишмоқда. Шунингдек, тошкентлик танкили спорт усталари — Олег Огородов, Дмитрий Томашев, Темур Ганиев, Темур Хонкужаев, Фарход Гуломов, Антон Иванов, Антон Кокурин кабилар ҳам республикамиз спорт шайини ҳимоя қилмоқдалар. Биринчи босқич ўрашувларида Олег Огородов (у профессионал теннис ассоциацияси таснифда 224-уринини эгаллаб турибди) барча рақибларидан устун келди. У финал беллашувида франциялик Жиром Луисталутини 2:0 (6/2, 6/4) ҳисобида мағлуб этди. Жуфтлик баҳсларида ҳамюртларимизнинг омади келмади. Бу мусобақада француз Жиром Луисталут ва Мак-

сим Бой жуфтлиги голиб деб топилди. Алимурот МАМАДАМИНОВ. СУРАТЛАРДА: сателлит турнирнинг финал беллашуви қатнашчилари Олег Огородов (чап) ва Ш. Луисталут.



Муаллиф олган суратлар.

ФИФА СЕМИНАРИ

Мамлакатимизда халқаро футбол федерацияси — ФИФА тасаруфи остида «ФУТУРО» халқаро семинари давом этмоқда. Унда чет эллардан келган тажрибали футбол йўриқчилари, устозлар, ҳакамлар, шунингдек, Ўзбекистон футбол федерациясининг масъул ходимлари иштирок этмоқдалар.

ФИФА конгрессининг 1975 йилда чиқарилган қарорига мувофиқ, минтақаларда футболни ривожлантириш, мутахассислар,

ҳакамлар, устозлар ва спорт врачлари уртасида ўзаро тажриба алмашишни ниятда «ФУТУРО» семинарлари ўтказилди. Ушбу халқаро семинарнинг нуфузини 1979 йилда ўтказилган анжуманида 90 дан зиёда давлатлардан келган мутахассислар қатнашганидан ҳам биллиш мумкин. 1991 йилдан то ҳозиргача бундай халқаро семинарлар қўлаб Осиё давлатларида бўлиб ўтган. Баҳром ҲАЙТОВ.

БУГУНГИ КУН «То» «То» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

□ АҚШ Президенти Уильям Клинтон, Эрон Президенти Ахмед Хашимий Рафсанжоний, Сурия Президенти Хафиз ал Асад Курбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга самимий табриклар йўлладилар.

□ Германия Федератив Республикасининг Президенти Роман Герцог мамлакатимизга ташрифи давомида унга қўрсатилган эҳтиром учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга миннатдорчилик мактуби йўллади.

□ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармони билан «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясининг «Ўзбекнефтогаз» давлат геология корхонаси бош директори Тошпўлат Бобоҷонов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланди.

□ Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон билан Словакия ҳукуматлари ўртасида сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги ҳамда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

□ Кеча Тошкентда Ўзбекистон ва Словакия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида қўшма бизнес-семинар бўлиб ўтди.

□ БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Халид Малик Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши раиси Убонинев Аширбеков билан учрашиб Орол муаммолари тўғрисида фикр айирбошлади.

□ Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Гуломова мамлакатимизга меҳмон бўлиб келган АҚШ хотин-қизлар делегацияси аъзолари билан учрашди.

□ Фарғона вилоятида Риштон меҳбел комбинати ишга тушди. Ҳозирнинг ўзида корхона ойига 2 миллион сумлик маҳсулот ишлаб чиқиш қувватига эга.

□ Тошкентда Ўзбекистон ақушер-гинекологларининг туртинчи қўрултойи бўлиб ўтди. Унда оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

□ Китоб туманида галла ўрим-йигимига киришилди.

□ Кеча Тошкентда соат эрталаб 8 дан 37 минут ўтганда 3 балл куч билан ер силкиниши бўлди. Зилзила маркази Тошкентдан 470 километр жанубда, Афғонистон ҳудудидир.

ҲАМДУСТЛИКДА

□ 25-26 май кунлари Минскда Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

□ Бугун кечқурун Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов Москвага икки кунлик расмий ташриф билан келди.

□ 15 майдан бошлаб Тожикистонда ноннинг чакана нархи 2,5 баравар ошди.

□ Озарбайжон суди собиқ мудоффа вазирини Рагим Казиевни олий ҳазага ҳукм қилди. У ута масъулиятсизлик оқибатида Шуми ва Лачина шаҳарларини душманга топширишда ҳамда давлат мулкни жуда катта миқдорда талон-тарож қилишда айбланди.

ХОРИЖДА

□ Сараявда бир неча кун давом этган шиддатли жанглардан сўнг серблар ва мусулмонлар ўртасидаги тўхтатиш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Хорватлар эса яқинда уларни босиб олган Гарбий Славониядаги БМТ томонидан ташкил этилган ҳимоя зонасидан бугун ўз қўшинларини тўла-тўқис олиб чиқиб кетишларини маълум қилдилар.

□ Франциянинг янги Президенти этиб сайланган Жак Ширак эртага Германия канцлери Гельмут Колл билан учрашади.

□ Японияда сўнгги икки ой давомида бир неча газ ҳужуми уюштирилди айбланган «АУМ синрикэ» маъзабининг раҳбари 40 ёшли Секо Асахара Токиодан 120 километр узоқликдаги Фузияма тоғи яқинида, яшириниб ётган қароргоҳида ҳибсга олинди. Шунга қарамай мамлакат Бош вазирини Мураяма ҳали ҳам газ ҳужумлари ҳавфи борлиғи ҳақида японларни огоҳлантирди.

□ Исроил ташқи ишлар вазирини Шимон Перес ҳукумат мажлисида Сурияга тинчликка қаратилган эътибори ҳақида муаммоларни қайтариб берилиши мумкинлигини айтди.

□ Эстониянинг Каунас шаҳрида Жохар Дулаев номидан иш қўришга ваколат берилган ахборот бюроси очилди.

□ Филиппин яқинидаги денгизда паромда янги чикши оқибатида 40 киши ҳалок бўлди, 100 киши бедарак йўқолди. Паромдаги 140 кишинигина қутқариб қолишга муваффақ бўлди.

□ Зоирда ҳозиргача номаълум бўлган қонли безак қасаллиғига қалинган 84 кишидан 78 нафари ҳалок бўлди.



Танлов якунланди

ГОЛИБНИ ҚУТПАЙМИЗ!

Фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Бутун инсоният тарихидан муносив ўрин эгаллаган ушбу ғалаба кунларини яқинлаштириш учун бошқа халқлар қатори Ўзбекистонликлар ҳам мардона курашган эдилар.

Ҳамюртларимизнинг фронтда ва фронт ортда қўрсатган жасоратлари ва фидойиликларини тараннум этадиган газета жанрининг энг яхши ижод намуналари учун «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари тахририяти, Тошкент шаҳар фахрийлар кенгаши «Советсталин» қўшма корхонаси ҳомийлигида «Сўнмас шон-шухрат» шiori остида танлов эълон қилган эди.

«Оқшом» газетасининг мушаррифлари ушбу танловга юборилган материаллар орқали Ўзбекистонликларнинг фашизмга қарши курашда қўрсатган меҳнат қасддорликлари, уларнинг фидокорликлари, мардлик ва жасорати, миллатлараро дўстликка мукаддас тўғйўларни ёрқин ва чуқур ақс эттирилган бири-бириндан ранг-баранг бадиларини, публицистик мақолаларини, жанг майдонларида битилган шеърларни ўқидилар. Танловда профессионал журналистлар билан бир қаторда уруш қатнашчиларининг ўзи, «Оқшом» газетасининг муаллифлари бўлиш шoir ва ёзувчилар, олимлар ва расомлар фаол қатнашдилар.

«Сўнмас шон-шухрат» танлови ҳайъати аъзолари газета саҳифаларида босилган публицистик мақолалар, бадилар, поэтик асарларни кўриб чиқиб таъсис этилган мукофотларни қўйидаги муаллифларга беришга қарор қилди:

◆ Биринчи мукофот — шoir ва журналист Темир УБАЙДУЛЛОГА — жанг майдонларида жасорат қўрсатган ҳамшаҳарларимиз тўғрисидаги туркум бадиллари учун.

◆ Иккинчи мукофот — журналист Машхура МИРЗАМУХАМЕДОВАГА — фронт ортда фидойилик қўрсатган тошкентлик меҳнатқашлар ҳақидаги мақолалари учун.

◆ Учинчи мукофот — қозғонилган шoir Баҳодир СОБИТГА — «Битмас жароҳат» дoston-мoнoлогий учун.

◆ Фотбалантигувчи мукофотлар қўйидагиларга берилди:

◆ Уруш қатнашчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим РАХИМГА — «Ғалаба йўли» публицистик мақоласи учун.

◆ Уруш ногирони,

шoir Зоҳиджон ОБИДОВА — «Уруш онларини эсласам...» мақоласи ва жангдор шеърлари учун.

◆ Уруш қатнашчиси, шoir НАЗАРМАТГА — «Ирода» публицистик мақоласи ва жанг майдонларида ёзилган туркум шеърлари учун.

◆ Профессор Қудрат АХМЕДОВАГА — «Қалбларда илик жароҳат» очерки учун.

◆ Қуролли Қулар фахрийси Искандар РАХМОНГА — уруш қатнашчилари бўлган Ўзбекистонлик жангчи-шифокорлар ҳақидаги туркум очерклари учун.

Биз «Сўнмас шон-шухрат» танловига голиб чиққан муаллифларни чин дилдан муқофобод этамиз.

Ўзбекистон ва жаҳон ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЎРГАЗМАСИ

Бугун шаҳримизда «Замонавий бизнес учун юксак технологиялар» мавзусидаги анжумани 2-халқаро технология кўргазмаси очилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзбекистон пайчилик, тижорат саноат қурилиш банки, «Ипак йўли» банки, «Компьютер — Осиё» илмий техника парки, «ЦМИ» инновация фирмалари ташаббуси билан ўтказиладиган ушбу халқаро кўргазмада банклар фаолияти учун дастур таъминоти ва компьютер техникаси, ташкилий техника во-

ситаляри (ёзув машинкалари, нусха кўчириш аппаратлари, калькуляторлар, факслар, касса аппаратлари), алоқа тармоқлари ва воситалари, ҳисоблаш, ҳавфсизлик системалари, офис меҳбелли, бухгалтерия хисобини автоматлаштириш воситалари комплекси, бизнесни бошқариш ва ташкил этиш компьютер технологиялари намойиш этилмоқда.

Халқаро технология кўргазмаси 21 майга қадар фаолият кўрсатади.

Дамир ИСЛОМОВ.

КЎРКАМ УЙЛАР ШАҲРИМИЗ КЎРКИ

Пойтахтнинг Ал-Хоразий мавзесида бундан 5-10 йиллар аввал қўп қаватли уйлар санокли эди. Ҳозирги кунда эса мавзе таниб бўлма даражада ўзгариб кетди. Бу ерда унлаб замонавий уйлар қад кўтарди. Бир қанча маданий-маиший хизмат қўрсатиш шохбосчалари ишга тушди.

Бунда ҳамма қурувчилар каби «Тошкентуйжойинвесткурилиш» корпорациясига қарашли яқка тартибдаги уйларни қуришга мулжалланган давлат хиссасдорлик қурилиш жамияти бинокорларининг ҳам ҳиссаси катта. Утган йили улар то-

монидан мавзеддаги 4 қаватли турар жой биносида қурилиш-тиклаш ишлари бошланиб кетган эди. Бунедкорлар яқинда мазкур уйни фойдаланишга топширишди.

Умумий сатҳи 3 минг 196 квадрат метрни ташкил этган бинода пардозлаш ишларини ҳам трест қурувчилари олиб боришди.

Мазкур уй деворларини бинокорлар пишган гишт билан қуришди. Бу эса ўз вақтида бу ерга қўчиб кираётган 45 хонадон эгаларини янада мамнун этади.

Гулom ЮСУПОВ.

Ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муҳим ҳусусиятларидан бирини ўзида муҳасамалангирган. Чунки унда белгиланган меъёр дунёдаги ҳеч бир давлатнинг Конституциясида учрамайди. Кўриб турибмизки, Конституцияда «Ўзбекистон халқи», «Ўзбекистон фуқаролари» деган тушунчаларга таъриф берилган. Бунга қўра, Ўзбекистонда тутилган ва унинг ҳудудиди истиқомат қиладиган ҳар бир ин-

ланишидан, жамиятда қандай урин туттишдан, ижтимоий келиб чиқишдан ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар, инсон ҳисобланади. Яъни, бошқача сўз билан айтганда, Ўзбекистонда туғилиб, шу ерда истиқомат қиладиган ҳар бир киши ишчиси, деҳқони, зиёлиси, савдогари, мулкдорли, ота-бобоси бой ёки камбағал ўтганлигидан қатъи назар, инсондир ва Ўзбекистон фуқаросидир.

Вахонлики, инсон ҳақида

ларда фуқаро ибораси ўрнига гражданин деган ибора ишлатиб келинган эди. Биринчи марта ушбу Конституцияда «фуқаро» деган ибора кулланилди. Лекин «фуқаро» ибораси келиб чиқишининг ўзига хос тарихи бор. Маълумки, VIII асрнинг бошларида Урта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудуди Кутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб қўшинлари томонидан босиб олинган эди. Шундан сўнг Кутайба Урта Осиёнинг туб аҳолисида

ги вақтдаги ҳақиқий маъносини бузиб талқин қилган булар эдик. Чунки ҳозирги вақтда «фуқаро» тушунчаси янги маъно, янги мазмун касб этди ва инсоннинг чинакам ижтимоий маъносини акс эттириб турибди. Зеро, давлатимиз сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб, ҳеч қандай ташқи давлатнинг таъсирида ва тарқибиди эмас. Унинг фуқаролари ҳам сиёсий жиҳатдан озод ва эркин инсонлардир. Умуман «фуқаро» ибораси инсоннинг маъмур давлатга тааллуқлилиги маъносиди ишлатилади. Шу туфайли фуқаролар давлат томонидан урнатилган маълум ҳуқуқларга эга ва маълум бурчларни бажаради. Конституциямизнинг энг муҳим демократик жиҳатларидан бири шундаки, унда инсон ҳуқуқлари фуқаро ҳуқуқларига қарши қўйилмаган, балки аксинча инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ўзаро уйғунлашиб кетган. Конституциянинг II бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари»га бағишланган бўлса, унинг III бўлимида «Жамият ва шахс» ўртасидаги муносабатлар батафсил тартибга солинган.

Конституциянинг 8-моддасида белгиланган яна бир муҳим демократик руҳдаги қоида Ўзбекистон фуқароларининг миллий тенглиги принципининг мустақамлашидан иборат эди. Бу эса инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла мос бўлиб тушади.


Ўзбекистон халқини бу ерда истиқомат қиладиган юздан зиёд миллат ва элатлар ташкил қилади. Уларнинг барчаси тенг ҳуқуқли Ўзбекистон фуқароларидир.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институтини уқитувчиси.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси амал қилмоқда

АДОЛАТ КАФОЛАТИ

8-модда. «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади»



сон миллатидан, ирқидан, қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар, Ўзбекистон халқини ташкил этади ва у республикаимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Конституциясининг купгина моддаларида халқ ҳокимиятчилиги расмийлаштирилган ва «халқ» тушунчаси батафсил очиб берилган. Ўзбекистон тарихида қабул қилинган аввалги Конституциялардан фарқли равишда маъмур Конституция Ўзбекистон халқини ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, мусулмонлар, аскарлар ва ҳоказоларга ажратмайди. Унинг «назариди» қим қандай касбни эгаллашдан, қандай машғулоти тури билан шугул-

сўз кетар экан, унинг моҳиятини аниқлаб олиш зарур. Инсон — табиий куч, лекин у меҳнат қилиш, ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлганлиги учун табиатдан устун туради. Инсон халқнинг, жамиятнинг бир бўлаги. Инсон сиёсий маънода купчина «шахс» деб юритилади. «Шахс» ибораси биологик, табиий зот маъносиди эмас, балки ижтимоий борлик субъекти маъносиди ишлатилади. Демак, шахс ҳам жамоанинг, халқнинг бир бўлаги бўлиб, уларнинг манфаатлари доимо уйғун бўлиши лозим. Ана шундагина чинакам ижтимоий адолат қарор топади.

Шахс сиёсий-юридик маънода купчина фуқаро деб аталади. Шунини айтиб ўтиш керакки, илгариги Конституция-

уларнинг ямани арабларга беришини талаб қилиб, буйруқ берган. Хонадонларга кириб келган араблар уларини ҳазрат Алининг авлодлариданми, деб «оқсуялар» сифатида таништирганлар ҳамда маҳаллий аҳолига фуқаролар — «қора халқ» сифатида қарай бошлаганлар. Шу вақтдан бошлаб аҳолининг ҳужалар ва фуқароларга бўлиниши келиб чиққан эди. Худди шу сабабли ушбу Конституция лойиҳаси муҳокама қилинаётганда баъзи кишилар ундан «фуқаро» деган иборани чиқариб ташлаб, унинг ўрнига «гражданин» иборасини қўлашни тақлиф қилган эдилар. Лекин уларнинг бундай тақлифини қувватласак, унда «фуқаро» деган иборанинг ҳозир-

Ўтган йилларга нисбатан шахримиз аҳолиси сони ошиб, турар-жой даҳалари ҳам кенгайиб бормоқда. Шу муносабат билан янги жойларда истиқомат қилувчиларга қўрсатилаётган савдо, маиший хизмат ва транспорт хизматидаги муаммолар ҳам бирмунча тўпланиб қолмоқда.

Хукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарорлар мавжуд муаммоларни ҳал бўлишига асосий замин яратмоқда. 3-автотўхналик раҳбари Мухтор Йўлдошев билан қилган суҳбатимиз ҳам ана шу ҳақда бўлди.

— Мухтор ака, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжалигинидаги мавжуд автобуслардан қандай фойдаланишларимиз?

— Ўтган йилларга нисбатан ҳозирги кунда ишимизда катта силжишлар бўлаёттир. Чунки кейинги тўрт йил ичида бирорта янги автобус ёки эҳтиёт қисм олмади, ички имкониётдан фойдаланган ҳолда иш юритдик. Камчиликсиз иш бўлмади, деганларидек бундай ҳолатлар бизларда ҳам учраб туради. Айниқса маҳалларлар оралигида қатновчи йўналишларда ишлаш қанчалик қийин бўлмасин, лекин йўловчиларга хизмат қилиш бурчимиз эканлигини унутавтганимиз йўқ.

Хўжалигимиз таркибиди «ПАЭ» маркали кичик ҳажмли автобуслар мавжуд. Улар асосан Эски шаҳар маҳалларини йўналишига қўйилган. Ҳозирги кунда 257 та автобус 31 йўналишда

Сизга қандай хизмат қўрсатишмоқда?

МУАММОЛАР ҲАЛ БУЛАЁТИР

хизмат қўрсатмоқда. Жамоамизда умумий ҳисобда 779 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Шундан 453 нафари малакали хайдовчилардир.

— **Хўжалиқнинг маҳаллалар билан ишлаш фаолияти ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Дарвоқе, хизматдаги автобуслар йўналишларининг ҳар бири маҳаллалар ўртасидан ўтади. Айрим вақтларда қуналларнинг торлиги, одамларнинг гавжумлиги қамлик қилгандай шўх болалар автобусларга тош отиб учин ойналарини синдиришмоқда. Шунинг учун биз Хўжайло, Қорасарой, Қўмқол, Оқтепа маҳаллаларининг фаоллари билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, мана шу транспортлар қанчалар яхши қатнаса бизларга ҳам, аҳолига ҳам нафи тегишини тушутирдик. Натижада маҳаллалардаги оқсоқоллар автобусларга тош отаётган болаларнинг тарбияси билан шугулланиш билан бирга, автобусларнинг вақтида келиб-кетилишини ҳам назорат қилиб туришбди. Бундан ташқари йўлда юрганда куплаб бебош болалар уриндикларини йиритиб, транспорт ичида озодагарчиликка риоя этмаганлари ҳам назорат қилиб боришайтир. Бундай назорат фақат фаолларнинг иши эмас, аксинча ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир. Ўтказилган учрашувлардан, мулоқотлардан сўнг ўзимизга тегишли бўлган танқидий фикрлардан турли хўлоса чиқариб, намунали хизмат қўрсатишга астойдил киришганимиз.

Шаҳримиздаги мавжуд 10 та автокорхоналар ичида энг куп йўналишда бизнинг хўжалик хизмат қўрсатди. Шунинг учун хайдовчилардан намунали хизмат қўрсатганларига алоҳида эътиборни қаратаёلمиз. Ишимиздаги бу узғариш бирмунча ижобий таъсир этмоқда. Масалан, ҳозир эрталабки ҳавада талаб даражасида ишга чиқиб, вақтида саройга кириб келса унда кундалик муқофот берилиши амалга оширилди. Ўтган қисқа вақтда ишчиларнинг ишга бўлган муносабати ва техникани асраб-авайлашида муносабатлари ўзгармоқда.

— **Хайдовчиларни тайёрлашга эътибор қандай?**

— Ёшлар — бизнинг келажагимиздир. Шунинг учун куплаб ёшларни касбга меҳр уйғотиш мақсадига маҳаллалардаги учрашувларимиздан ҳам самарали фойдаланишимиз. Қайси маҳалладан ҳўжалиқимизда ишлашга келган йигитларни имкон қадар уша маҳалладан ўтадиган йўналишга ишга қўймоқдамиз. Бундан ташқари малакали хайдовчиларимиздан Туроб Самигов, Карим Жўраев, Фахриддин Жалолов, Эркин Насимовлар уз тажрибаларини ёшларга ўргатишмоқда. Айрим йигитлар машиналарни созлашга иқтидори баланд бўлади. Мана шу томонини ҳам ҳисобга олиб, таъмирловчиларимиз Владимир Кабачук, Коля Лисин, Тоҳир Носиров, Ҳожи Маликовлар уларга уз касб сирларини ўргатиб бораётганлар.

— **Бу йилги режаларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Иш услубимизда янгилашга, анжироқ хизмат маданиятини янада оширишга ҳаракат қилиш билан бир қаторда янги «ЛАЗ-695 М» маркали автобусларнинг барчасини Эски шаҳар билан боғланган йўналишларга қўйишни режалаштирармиз. Қўпроқ 65, 35, 118, 123-йўналишлардаги автобусларга айни кунда қўйишга қилсак, шаҳримизнинг Эски шаҳар қисми обод ва қўрқам бўлиб, йўллари кенгайиб 42,43-йўналишларга ҳам мана шу катта автобуслардан фойдаланишга қўямиз. Ҳозирги кунда қабул қилиб олинган автобусларнинг 14 таси хўжалиқимизга келтирилди. Шундан тўрттасини газ билан юрадиган қилиб қайта мослаяптиз. Бу синов тарқисидида яқин кўнларда хизматга қўйилади. Шунингдек фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган дивалателлар ва бошқа эҳтиёт қисмларни бундан кейин ҳам муқаммал таъмирлаб, улардан кундалик иш фаолиятимизда фойдаланиб, халқимиз хизматига шай қилиб қўямиз.

Суҳбатловчи Тўлғазил АБДУЛЛА қиз.

Ижтимоий ҳимоя — амалда

БОЛАНГИЗГА НАФАҚА ОЛЯПСИЗМИ?

Президентимиз ва ҳукуматимиз ҳаётимиз гуллари, умидимиз гўнчалари бўлган болалар ҳақида, болалик оилалар тўғрисида тинимсиз гавжурлик қилмоқда, уларни бозор иқтисодиётига ўттиш даврида ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини қўрмоқда. Жамоатчи муҳбиримизнинг Собир Раҳимов тумани ижтимоий таъминот бўлими мудири Дилбар Назарова билан суҳбати ҳам болаларга тўланадиган нафақалар ҳақида бўлди.

— **Болалар учун тўланадиган нафақалар тартибиди кейинги вақтда қандай ўзгаришлар рўй берди?**

— Республика Президентининг шу йил февраль ойида «Иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида» қабул қилган фармонида мувофиқ 1995 йил 1 мартдан бошлаб бола икки ёшга тулганга қадар уни парвартириш қилиш бўйича оналарга бериладиган нафақа ойига 250 сум миқдориди белгиланди.

16 ёшгача бўлган болалик аёлларга эса ҳар ойда нафақалар қуйидаги миқдорда тўланади:

а) 1 нафар фарзанд учун энг кам иш ҳақининг 10 фоизи, яъни 1995 йил мартдан 15 сум, шу йил 1 апрелдан 30 сумни ташкил этади.

б) 2 нафар фарзанди бор оналарга эса энг кам иш ҳақининг 20 фоизи, яъни шу йил 1 мартдан 30 сум, 1 апрелдан 60 сум, туланиди.

в) 3 ва 4 нафар фарзанди бор оналарга энг кам иш ҳақининг 40 фоизи, яъни 1 апрелдан 120 сум туланиди.

г) 5 ва ундан ортиқ болалик аёлларга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи, яъни шу йил 1 апрелдан 150 сум туланиди.

— **Дилбар опа, нафақаларни олиш учун қарерга мурожаат қилиш керак ва қандай ҳужжатлар топшириш лозим?**

— Керакли ҳужжатларни айтиб ўтай. Аввало, нафақа тайинлаш тўғрисида ариза ёзиб, паспорт билан мурожаат қилиш керак. Боланинг туғилганлиқ ҳақидаги гувоҳномаси (асли ва нусхаси), маҳалладан онанинг ишлаши-ишламаслиги ҳақида маълумотнома, унда қарамониди фарзандларининг исми-шарифлари ва туғилган йили қўрсатилиши керак.

Меҳнат дафтарчаси (асли ва иккинчи нусхаси), агар боланинг ота-онаси вафот этган ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлса ана шундай болаларни васийликка олган ота-оналар барча ҳужжатлар билан васийликни тасдиқловчи ҳужжатларни қўшиб топширишлари шарт.

Агар 2 ёшга тулмаган боласи бор аёл ишламаса, ҳуж-

жатларини (эрининг ишлаши-ишламаслигидан қатъи назар) ўзи яшаётган туман ижтимоий таъминот бўлимига топшириши керак.

Мабодо аёл ишласа ёки олий ва урта махсус билим юртларининг, олий ўқув юртининг кундузги бўлимида ўқиса нафақа аёл кишининг ишлаш ёки ўқиш жойидан, 16 ёшгача бериладиган нафақалар туман ижтимоий таъминот бўлимида фақатгина эр-хотин ишламасигина берилади. Эри ишлаб, хотини ишламаса нафақа аёл турмуш ўртоғининг ишхонасидан тўланади.

— **Дилбар опа, нафақаларни албатта ўз вақтида ҳужжат топширган аёллар олади. Эшитмай қолиб, кеч қолган аёлларимиз мурожаат қилганда бу масала қандай ҳал этилади?**

